1991 — 1998
7
МУСТАҚИЛЛИК

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 20 август, пайшанба • № 98 (22.335).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Хоразмча «Негема»

«Урганчшароб» ҳиссадорлик жамияти Олмониянинг «Негема» фирмасини сотиб олди. Бир миллион бир юз йигирма етти минг марка баҳосидаги фирма харажатларини тезда қоплаш кўзда тутилмоқда. Боиси, бу фирмада соатига олти минг шиша ичимлик ишлаб чиқариш мумкин. Жараёнлар автоматлаштирилган. Ичимлик бурама қопқоқли шишаларга қуйилади. Маҳсулотнинг 60 фоизини хорижга чиқариш мўлжалланмоқда. «Урганчшароб» ҳиссадорлари аҳолининг талаб ва истакларини инобатга олиб, эскирган технологиядан воз кечиш, ичимликлар сифатини яхшилашга киришдилар.

Рўзимбой ҲАСАН

Беруний музейи бўлади

Қорақалпоғистоннинг қадимий Кат, Шаббоз, ҳозирги Беруний туманида аллома таваллудининг 1025 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Жумладан, Беруний номидаги боғи-ю майдони 20 гектарга кенгайтирилади. Унинг ўртасида Абу Райҳон Беруний музейи мажмуи қурилмоқда. Туманда Беруний авлодлари жамғармаси ташкил қилинган. Бир ҳафталик хайрия марафонидан тушган маблағ жамғарма ҳисобига ўтказилди. Бундан ташқари турли идора, ташкилот, бошқарма, бирлашма-ю фирмалар 750 минг сўмдан 2,5 миллионгача пул ўтказишмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Мактаб бозори гавжум

Навоий вилояти матлубот савдо ҳиссадорлик компанияси ташаббуси билан ташкил этилган мактаб бозорлари гавжум. Бозорларда 40 миллион сўмликдан қўпроқ ўқув куроллари сотиш кўзда тутилган. «Мақсадимиз, — дейди вилоят матлубот савдо ҳиссадорлик компанияси раиси Райим Шарипов, — шаҳар ва туманлардаги 30 дан ортиқ мактаб бозорларини мол билан таъминлашда узлуксизликка эришиш. Айни пайтда олис Томди, Учқудуқ, Конимех, Нурота туманларида ҳам ўқувчилар учун зарур моллар билан савдо қилиш йўлга қўйилган».

Музаффар ШАРОПОВ

Эртамиз янада порлоқ бўлади

Кўҳна тарих олдида етти йил бир сония, холос. Лекин, бунёдкор халқимизнинг шу қисқа вақт ичида қилиб улгурган ишлари асрларга татигуликдир. Мен энг аввало, буни одамлар онгида, тафаккурида, дунёқарашида бўлган ўзгаришларда яққол туяман. Қолаверса, бугун мамлакатимизни аҳли жаҳон танимоқда. Ўзбекистон эса жаҳонни таниди. Байроғимиз Бирлашган Миллатлар ташкилоти узра ҳилпирамоқда. Бир қанча нуфузли халқаро уюшмалар ва бирлашмаларга аъзо бўлиб кирдик. Ватан бойликларининг ҳақиқий эгаси бўлдик. Энди Ўзбекистон дунёдаги автомобиль саноатига эга 27 давлатнинг бири сифатида эътироф этилмоқда. Жуда қисқа вақт ичида ғалла, нефть мустақиллигига эришдик. Мамлакатимиз катта қурилишлар майдонини эслатади. Пойтахтимизни олиб кўрайлик, жаҳонда тенги йўқ маҳобатли Темурийлар тарихи Давлат музейи, Олий Мажлис биноси, Теннис корти, қўйингчи, шаҳримиз жамоли кун сайин ўзгариб, чирой очиб бораётганидан фахру-ифтихор туйғуларига тўласан киши. Буларнинг барчаси истиқлол шарофати.

Истиқлол бизга берган имкониятлар Қибрай тумани тимсолида ҳам яққол кўзга ташланиб турибди. Янги-янги гузарлар қад ростламоқда. Савдо, маданий-маиший хизмат шахобчалари, мактаб ва боғчалар, спорт иншоотлари ишга туширилди ва ишга тушмоқда. Фақат ўтган олти ой ичида 5 километрга яқин масофага водопровод қувурлари ётқизилиб, қишлоқларга тоза ичимлик суви келтирилди. 18 километр газ тортилди. 20 миллион сўмликдан ошиқ ободончилик ишлари амалга оширилди.

Тадбиркорлик тизими ривож топиб, мулкчиликнинг янгиданянги шакллари юзага келмоқда. Фермерлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёзаяпти. Бугунга келиб ислоҳотлар халқ хўжалигининг барча соҳаларида ўз самараларини бермоқда. Қибрай туманида 17 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Америка, Исроил, Туркия, Россия, Германия каби тараққий этган давлатларнинг ишбилармон доиралари билан ташкил этилган «Эливер Ави Дархан», «МАХ-Хуросон ЛТД», «Бухоро Корпорейшн», «Протеор» каби корхоналар жаҳон андозаларига мос рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариб мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб улушини қўшиб келмоқда. Агар 1997 йилда туманда атиги битта корхона хорижга маҳсулот чиқарган бўлса, бугунга келиб бундай корхоналар сони янада ортди. Маҳсулот ҳажми 112580 АҚШ долларини ташкил этди.

Фақат ўтган йилнинг ўзида «Қибрай» жамоа хўжалигида мева қуритиш цехи, Кўприкбошида эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қадоқлашга мўлжалланган, Евростандарт талабларига жавоб берадиган яшиклар ишлаб чиқарадиган «Акмал Лазиз ўғли» фирмаси, Ўнқўрғон қишлоғида «Турон-97», Америка-Исроил-Ўзбекистон сутни қайта ишлаш корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Бу корхоналар ишга тушиши билан бир неча юзлаб қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқлар ўз салоҳияти жиҳатидан бетакрордир. Булар ҳақида шу кичик мақоламиз асносида батафсил гапириб беришнинг имконияти йўқ, албатта. Бироқ, шу билан бирга ҳаётимизда ўз ечимини топмаётган ва ҳал қилиш лозим бўлган муаммолар ҳам бор. Биз буни инкор этмаслигимиз керак. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида айрим хўжаликларнинг тўлов қобилиятларини тиклай билмаётганлиги иқтисодий ривожимизга маълум маънода ўз таъсирини ўтказмоқда. Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни барқарорлаштириш борасида кўплаб қонун ва фармойишлар, қарорлар қабул қилинди. Бироқ, бу қонунлар ва қарорларнинг ҳаммаси ҳам бирдек ишлаяпти деб бўлмайди. Қарор ва ижро бирлиги бўлгандагина биз кўзлаган мақсадга эришамиз. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Юртбошимиз айтмоқчи, унинг энг катта бойлиги — бунёдкор халқимиздир.

Соғлом фикр юритадиган, кенг мушоҳадали, фидоий, меҳнаткаш халқи бор юртнинг эртанги куни янада порлоқ бўлади. Менинг бунга имоним комил.

Ўтаётган ҳар бир лаҳза бизни мустақиллик байрамига тобора яқинлаштирмоқда. Мамлакатимизда байрамолди тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бу улкан бунёдкорлик ишларида биз қибрайликларнинг ҳам муносиб улушимиз борлигидан фахрланамиз.

Мирзамашраб КУЧЧИЕВ,
Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳокими.

Ўзимизнинг шакар завод





Хоразм вилоятининг Дўстлик шаҳрида Марказий Осиёда ягона қудратли шакар заводи қурилиши якунланди. У фойдаланишга топширишга тахт! Замонавий техника ва технология билан жиҳозланган ушбу корхона бир кунда 3000 тонна қанд лавлагини қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, йилига 45 минг тонна тайёр маҳсулот етказиб беради. Ушбу корхона қурилишида Туркиянинг «Юксал-иншоа» ва «Турк-шакар» фирмалари фаол иштирок этишди. Улар ўз вақтида замонавий технология қурилмаларини келтириб, завод цехларига ўрнатишди. «Туямўйингидрострой» трести эса қурилиш, коммуникация ва ёрдамчи ишларни бажарди. Яқин келажакда корхона маҳсулотлари Ўзбекистон бозорида пайдо бўлади.

Хоразм шакар заводи сентябрь ойининг бошларида, яъни республика хўжаликларида экилган қанд лавлагининг пишиб етилиши даврида фойдаланишга топширилади. Кези келганда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, республика ҳукуматининг ўз вақтида кўрсатган ёрдами — кредити республикамизнинг қанд лавлаги етиштирувчи хўжаликларига олинадиган ҳосил қийматининг 40 фоизи миқдоридаги пул маблағларини аванс тариқасида ўтказишга имкон берди. Бу эса ушбу хўжаликларнинг Молдова республикасидан қанд лавлаги уруғини, керакли техника ва бошқа материалларни сотиб олишларида қўл келади.

Шакар заводини ишга тушириш нафақат қандолат маҳсулотлари ва яхна ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг асосий хомашёга бўлган талабларини қондиришга имкон яратади. Балки, ушбу ишлаб чиқаришда пайдо бўладиган қўшимча маҳсулот — патока-меласса Янгийўлдаги «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида хамиртуруш тайёрлаш жараёнида асосий хомашё бўлиб хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, 45 минг тонна шакар ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўладиган 16 минг тонна патока-мелассани сотиб олиш учун сарфланадиган 3,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги республика валюта маблағи тежаб қолинади.

Суратларда: Хоразм шакар заводи.
Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Қўмондон вазифасидан бўшатилди

Имомали Раҳмонов Тожикистон Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлари қўмондонини ўз вазифасидан озод этди. Илгари хабар қилинганидек, Президент фармонига кўра, мудофаа вазирининг биринчи ўринбосарлари Абдулло Ҳабибов билан Содиқ Бобожонов ҳам ишдан бўшатилган эди. Президентнинг ушбу қарорини шарҳлаётган Тожикистон давлати раҳбарининг матбуот котиби Зафар Саидов унинг мамлакатда қонунчиликни мустаҳкамлаш ва республика қуролли кучларида ҳуқуқ-тартиботни яхшилаш мақсадларида қабул қилинганлигини айтди.

Кеча Тожикистон пойтахтига Борис Пастухов билан Анатолий Квашнин етиб келишди. Улар мамлакат раҳбари Имомали Раҳмонов, ташқи ишлар вазири Талбак Назаров ва бошқа раҳбарлар билан учрашишмоқчи. Куни кеча БМТ Бош котиби вакилининг тан қўриқчиси ўлдирилганлиги ҳақида хабар тарқалди. У Душанбеда ижарага олган квартирасида отиб ўлдирилганди.

Сенатор Украинага келади

АҚШ сенатори Ричард Лугар 22-23 август кунлари Украина пойтахтига келади. У Украина Президенти Леонид Кучма, ташқи ишлар вазири Борис Тарасюк ва мудофаа маҳкамасининг раҳбари Александр Кузьмук билан учрашади. Бундан ташқари Лугар Днепропетровск шаҳрига ҳам боради.

Ишсизлар камаяди

Германияда ишсизлар сони бу йил 350 минг кишига камаяди. Йил охиригача улар сони 4 миллион 141 минг кишини ташкил этади. Экспертларнинг тахмин қилишларича, 2002 йилда ишсизлик миқдори 3,5 миллион кишига камаяди. Иқтисодиёт вазири Рексродтнинг айтишига кўра, мамлакат иқтисодиёти гуркираб ривожланмоқда. Шу боис ҳам, келажакдан умид қилса бўлади.

Олтин экспорти ошди

Шимолий Корея ўтган йили олтин экспорт қилишни беш баравардан зиёд кўпайтирди. Шимолий Корея олтинининг асосий харидори Сянгандир. Унга 14,9 тонна қимматбаҳо металл етказиб берилди. Кореяга 141 миллион АҚШ доллари келтирди.

Иқтисодиётда тезкор ўсиш

Африка мамлакатлари иқтисодиёти бу йил тезкор суратлар билан ўсмоқда. Тахминларга кўра, Африка мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган ички айланма маҳсулот 4,6 фоизга кўпаярмиш. Африка мамлакатларининг жаҳондаги фонд бозорларидаги ҳиссаси 7-8 фоизга кўтарилади.

Истиқлол мушоираси

ВАТАН МУҲАББАТИ

Мен сени Ватаним ҳам онам дедим,
Ҳам бутун бойлигим, дурдонам дедим.

Севгингни кўкларга кўтариб юксак,
Сохта ғояларга келтирганман шак.

Саждалар қиларман пойингга, юртим,
Еринг, қуёшингга, ойингга, юртим.

Саодат бўлсин деб, тинчлик бўлсин деб,
Сарафроз ўғлоғинг гулга тўлсин деб,

Жонимни жонингга садқа этгайман,
Чўлларни гул қилиб, бўстон этгайман.

Шундай ишқ абадий барқарор бўлсин,
Севгимга иқболинг, бахтинг ёр бўлсин.

Озод ва ҳур Ватан жоним бахшида,
Шаънингга ўқийман достон, қасида.

Бахтли яшамоқни ўргатган она,
Ватан, муҳаббатинг қалбда ягона.

Иззат ҲИКМАТ

Жаҳонни лол қолдирган кулоллар

Миллий ҳунармандчилик

Қадим Ғиждувонда мўъжазгина бир ҳовли бор. Унинг дарвозаси сира қулф кўрмаган, хонадон эса ҳамиша гавжум. Чоғроққина устахонада оддий лойдан мўъжиза яратилади. Бу машҳур кулол Ибодулло Нарзуллаев яшаган хонадон. Раҳматли уста ҳунарини икки ўғли, тўққиз қизи мукаммал ўргангани туфайли кулол номи, у ёққан чироқ ҳамиша ёниқ. Шогирдлар садоқати-чи?

Уста ҳаётлигида Ғиждувон кулолчилиги тарихи ўтган асрларга бориб тақалишини таъкидларди. Мана шундан буён Ғиждувон кулолчилик мактаби фаолият кўрсатиб келяпти. Аммо, истибдод давридаги нотинчликлар бу мактабга анча путур етказганди ҳам. Лекин, Ибодулло кулол ўз устахонасини асради, ҳунарини ўзи билан олиб кетмади. Мана, тўнғич фарзанди Алишер бугун ўша мактабга раҳбарлик қиляпти. Отаси сингари уни ҳам, укаси Абдуллани ҳам жаҳон таниди. Алишер 1995 йилда ЮНЕСКО дипломи билан, 1996 йилда эса «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Ўтган йилнинг охирларида АҚШ Президентининг рафиқаси, таниқли жамоат арбоби Хиллари Клинтон Бухорога ташриф буюрганди. Шу муносабат билан ташкил этилган ҳунармандлар кўргазмасида ака-ука кулоллар меҳмонга инглиз тилида «Хиллари хонимга Ғиждувон кулолларидан» ёзуви туширилган сопол товоқ совға қилишди. Янги йилдан сўнг кулоллар Хиллари хонимдан шошилинчнома олишди. Унда шундай дейилганди: «Сизларга санъат даражасида сайқал бериб ясалган кулолчилик буюмларингиз учун ташаккур билдираман. У менга қадимий ва ғўзал Бухорога ташрифим чоғида ҳадя қилинган энг нафису нодир ёдгорлик сифатида жуда қадрли».

Хиллари хоним Бухорога келганда Абдулла бир лаҳзалик мулоқотда ўзини таништираркан, «Ҳунармандларга ёрдам» жамғармаси билан ҳамкорлик қилаётганини, жамғарма раиси Клер Смитни унга таништиришга улгуради. Хоним мазкур фонд фаолиятидан мамнун бўлди чоғи, юртига боргач, шахсий жамғармаси ҳисобидан фондни қўллаб-қувватлади. Шу жамғарма билан ҳамкорлик туфайли Нарзуллаевлар ўз маҳсулотларини халқаро кўргазмаларда намойиш этишга муваффақ бўлдилар. Шу йил 17 февралдан 6 мартгача Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган «Совғалар» халқаро кўргазмасида Алишер қатнашди. У ясаган сопол буюмлар кўпчилик диққатини тортди. Шу боис кулолга Америка ва Осиёликлар буюртма беришди.

Бугунги кунда жаҳонни лол қолдирган кулоллар сулоласи янги-янги асарлар устида ишлашяпти. Бунинг устига Ғиждувон кулолчилиги тарихи музейини ҳам барпо этишяпти. Музей қошида эса устахона бўлади. Унда АҚШ, япониялик машҳур кулоллар ҳамкорликда ишлашга аҳдлашдилар. Умуман, кулолларнинг бу соҳадаги имкониятлари катта.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Портлаш қурбонлари

Испания Бош вазирининг ўринбосари Франциско Алварес Каскос кеча Шимолий Ирландияга жўнаб кетди. У Ома шаҳрида юз берган портлаш натижасида ярадор бўлган 12 испаниялик ўқувчи билан учрашмоқчи. Портлаш натижасида бир бола ва ўқитувчи қурбон бўлишди. Икки боланинг аҳволи ўта оғир. Буюк Британия Бош вазири Блэр Франция жанубида ўтказаётган ўз таътилини тўхтатиб, Шимолий Ирландияга учиб кетди. У Омадаги фожиа айбдорларини қаттиқ қоралади. Буюк Британия қироличаси Елизавета, АҚШ Президенти Клинтон ва бошқа раҳбарлар бу фожианинг айбдорлари Ольстердаги тинчлик жараёнини барбод этмоқчи бўлган кимсалар, дейишмоқда.

Санъат байрами бошланди

Ўтган куни Шотландия пойтахтида Эдинбург халқаро санъат фестивали бошланди. Унда бутун дунёдан минглаб санъаткорлар иштирок этишмоқда. 1947 йилда ташкил этилган ушбу байрам ҳар йили августнинг уч ҳафтаси давомида анъанавий равишда ўтказилади. Шаҳар театрлари, концерт заллари ва очиқ майдонларда ўтказиладиган байрам маҳаллий иқтисоднётга катта фойда келтиради. Йилига 122 миллион фунт стерлинг ёки 199 миллион доллар даромад кўрилмоқда.

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК

Давлатни ҳам халқни бойитамиз

Сурхондарё вилояти давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи, вилоят ҳокимининг ўринбосари Нуриддин Остонақулов билан суҳбат

— Нуриддин Исмадиёрович, Президентимиз ҳар бир соҳа вакилларининг тафаккурини ўзгартириш энг муҳим масала эканлигини қайта-қайта уқдирмоқдалар. Вилоят тадбиркорлари, умуман бугунги кун мулкдорлари тафаккури ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Мамлакатимиз мустақилликка юз тутгач, мулк шаклини ўзгартириш, янги мулк шаклларини шакллантириш борасида беқиёс иш қилинди. Мустақилликнинг дастлабки йиллари — 1991-92 йиллардаги тадбиркор билан бугунги кун тадбиркори орасида катта фарқ бор. Бугунги иш бошловчи ҳисобкитобни пухта қилади. Қонунларни ўрганади. Ўз имкониятига яраша иш тутади. Бугунги кунда ҳамма ҳам ҳуда-беҳуда тадбиркор бўламан деб уринаётгани йўқ. Бугунги тадбиркор бизнес-режа нималигини, ишининг ривожи нимадан эканини, бозор талабини яхши англайди. 1995 йилда акционерлик жамиятлари тузишда катта қийинчиликларга учраган эдик. Бугунги кунда эса раҳбарлар ҳам, ишчилар ҳам акцияларга, акционерлик жамиятларига интилмоқдалар. Яхши ривожланиш учун иккинчи эмиссия чиқариш талаблари қўйилмоқда. Мулк шаклларини такомиллаштириш учун бугунги кунда вилоятда кенг кўламда ишлар қилинмоқда.

— Баъзан, Сурхондарёда бошқа вилоятларга нисбатан ислоҳотлар самараси кўринмаяпти, маҳсулотни қайта ишловчи замонавий корхоналар йўққа ўхшайди, ислоҳотлар Сурхондарёда орқада қолаяпти, деган мулоҳазалар билдирилади. Шу фикрларга сизнинг муносабатларингиз қандай?

— Ислоҳот жуда кўп қиррали тушунча. Бунга фақатгина тадбиркорни, савдогар ёки бошқа соҳадаги ишбилармоннинг ўзинигина киритиб бўлмайди. Ислоҳотлар халқ хўжалигининг барча турларини қамраб олади. Шу жиҳатдан, вилоятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам тўлиқ талабга жавоб беради, деб айтолмаймиз. Лекин шунга интилаяпмиз. Масалан, қўшма ишлаб чиқариш ва хусусий корхоналаримизнинг баъзан тўхтаб қолиши ёки ишни узлуксиз давом эттириш имконияти йўқлиги сабаблари бор. Бизга келаётган хомашё ёки тайёр маҳсулотларнинг бошқа давлатлар ҳудудидан ўтиши ёки шунга ўхшаш таъсирлар натижасида бошқа мамлакатлардан келаётган тадбиркорлар ҳам ўз фикрларидан қайтган ҳоллар йўқ эмас. Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли ишга тушса, бизга қўшни давлатларда барқарорлик бўлишига эришилса ва бошқа айрим муаммолар ҳал этилса, Термиз — Карачи темир йўли ишга тушса, ишончим комилки, вилоятимиз халқ хўжалиги жуда тез суръатлар билан ривожланади. Вилоятимиз асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга мослашган. Биз уларни тайёр маҳсулот — консерва ва бошқа шаклларда сотиш режаси устида ишлаяпмиз.



— Нуриддин Исмадиёрович, ислоҳотлардан мақсад, давлатни ҳам, халқни ҳам бойитишдир. Тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган сурхондарёликлар олдида қандай муаммолар кўндаланг бўлади, деб ўйлайсиз?

— Тадбиркор мақсадга эришиш учун ўз ишига меҳр, куч-ғайрат ва чидам билан шуғулланиши керак. Тадбиркор бугунги куннинг талабига жавоб беролса, етарлича ҳуқуқий-иқтисодий билимга эга бўлса, эълон қилинаётган фармон ва қарорлар моҳиятини англаб етса, очиғини айтганда, бошқа бирор жойда йўқ имкониятлар бизда бор. Ишбилармонларимиз мунтазам равишда ўз ҳуқуқий-иқтисодий билимларини ошириб боришлари, матбуот билан яқиндан таниш бўлишлари, айниқса, ўз соҳаларида чет элларда қандай ишлар қилинаётганидан яхши хабардор бўлишлари керак. Шундагина улар мавжуд айрим муаммолар олдида довдираб қолмай, уларни енгиб бораверадилар.

Ислом КАРИМОВ:

Сурхондарё одамлари жуда меҳнаткаш, баҳри кенг, танти одамлар. Бу юртдан не-не буюк зотлар етишиб чиққанлиги ҳам бежиз эмас. Мен ишонаманки, Буюк Ипак йўли ўтган Сурхон воҳаси, унинг маркази Термиз келажакда мамлакатимизнинг дунёга чиқадиган жанубий дарвозаси бўлиб қолади.

Ўзбекистоннинг энг баланд чўққилари Сурхондарёда

Сурхондарё вилояти баланд тоғлар ва виқорли чўққилар билан қуршалган. Айниқса, Ҳисор тоғ тизмалари, Боботоғ, Бойсунатоғ тизмалари минглаб километрга чўзилган ва бир неча хорижий мамлакатлар ҳудуди билан уланиб кетган.

Сариосиё туманининг шимолида Ҳисор тоғ тизмаларининг энг баланд нуқтаси Хўжапирях тоғи 4303 метр, жанубий-ғарбий қисмида эса Боботоғ ва Бойсунтоғ тизмаларнинг энг баланд нуқтаси — Заркоса тоғи — 2280 метрга бўй чўзган.

Ўзбекистоннинг энг баланд нуқтаси ҳам Сурхондарёдадир. Қолдирға чўққиси Сариосиё тумани ҳудудида бўлиб, баландлиги 4683 метр.

Вилоят ҳокимлиги биноси



Шарғун кўмир кони

Ал-Ҳаким ат-Термизий майдони

Эгалик ҳиссининг

Почта соҳасини ривожлантириш ва бозор иқтисодиёти даврида унинг мавқеини кўтариш, хизмат турларини кўпайтириш, тез ва қулай тарзда аҳолига сифатли хизмат қилиш мақсадида 2010 йилгача бўлган почта соҳасида мамлакатимизнинг почта-алоқа бўлимларида тажриба-эксперимент ишлари бошлаб юборилди.

Янги концепциянинг асосий мақсади — аҳолига хат-хабарлар, посилка, почта жўнатмаларини, пенсия ва нафақа тўловларини, газета-журналларни ўз вақтида эгаларига етказиб беришда сифат ва тезкорликка эришишдир.

Бундан ташқари, яна бир асосий масала пенсия тарқатиш учун пенсия жамғармаси тўлайдиган 1,4 фоизли тўловни қисқартириш, натижада бундан йиғиладиган маблағни яна пенсия тўлови учун тўлашдир. Почта корхоналари алоқа бўлимидан кейин қиладиган ишлари, яъни почтальонлар вазифаси тугатилди. Ҳар бир почта корхонаси кичик корхона ёки жамият шаклида фаолият юритади. Почтальон эса кичик корхона ёки жамиятга аъзо бўлади. Почтальон барча мижоз билан шартнома тузади ва шу асосда ишлайди. Масалан: почтальон хат, газета ёки журнални мижознинг уйига элтиб берса, 15-20 сўмни хонадон эгасидан олади, сабаби ўртада қонуний шартнома бор. Демак, ҳар бир хизмат туримиз ана шундай ўзаро келишув асосига қурилади. Бунинг учун ҳар бир почтальон тегишли ҳокимиятлардан рўйхатдан ўтади, ўзларининг шахсий муҳрларига эга бўлиш билан бирга қилган даромадларидан патент тўлайдилар. Аммо почта идоралари почтальонга иш ҳақи, яъни маош тўламайди.

Айни пайтгача бундай почта кўрсатмаларида кўп қаватли уйларга почта жўнатмаларини етказиб бериш кўрсатилмаган ва фақат биринчи қаватдаги махсус қутиларга қўйиш белгиланган эди. Янги концепцияда эса почта ходими ҳар бир қаватга чиқиб, фуқароларнинг уйигача элтиб бериб хизмат ҳақини олади. Айрим тоифа кишиларга бепул хизмат қилиш бундан кейин ҳам сақланиб қолади. Кичик корхоналар ва ҳиссадорлик жамиятлари шаклида уюшган почта соҳасида сир сақлаш, ҳимоялаш масалалари қонун асосида белгиланади. Ҳозиргача бўлган эски почта кўрсатмалари, қоидалари ўзгартирилди ва ўзгартирилмоқда. Ижтимоий таъминот, Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси, банк, адлия вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон почтаси» ДАК ушбу масалани келишган ҳолда тасдиқлади.

Ҳозирги кунда бу эксперимент Ангор туманида олиб борилмоқда. Тегишли корхона, ташкилот, маҳалла қўмиталари, пенсия олувчилар ва алоқа бўлимига қарашли кўча, маҳаллада яшовчилар билан анкета тўлғазиш, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Вилоят, туман ҳокимлиги ва ҳуқуқ-тартибот органлари ўтказилаётган бу тажрибалар ҳақида хабардор қилиндилар. Янги тажрибадан мақсад шуки, қилинган иқтисод, тежам ва ишлаб топилган қўшимча маблағлар почта ходимларини етарли шарт-шароит, замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ва янги бинолар қуришга ишлатилади. Шу билан бирга янги хизмат турлари очилади. Булар:

— жамғарма қабул қилиш ва керакли вақтда тўлаш;

— заём, лотереялар сотиш ва тўловни амалга ошириш;

— қимматли қоғозлар (акциялар)ни сотиш ва дивиденд тақсимлаш;

— касса аппаратлари сотиш ва уни ўрнатиш;

— валюта алмаштириш пунктларини очиш;

— ҳар хил жарима ва солиқлар тўловини қабул қилиш ва ҳоказо.

Албатта, бу тажриба жорий йилдан 2000 йилгача ҳамма почта бўлимларимизда қўлланилади, натижалари эса доимий назоратга олинади.

Ўрни келганда қайд этмоқ жоизки, халқаро почта талаблари асосида почта иши тубдан яхшиланади ва алоқалар кундан-кун кучайиб боради.

Ҳар қандай шароит ва замонда почта соҳаси ривож топиб бораверади. Шунинг учун ишонч билан айтамизки, «Сурхондарё почтаси» акциядорлар жамиятининг барча хизматлари воҳамиз халқини унинг хизматидан фойдаланишга даъват этади.

Маҳмуд МУҲАММАДИЕВ,
«Сурхондарё почтаси» акциядорлик жамияти бош директори

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚА

Ўтган йили вилоятда 18,3 миллион АҚШ долларилик импорт ва 159 миллион АҚШ долларилик экспорт амаллари бажарилди.

Хорижлик сармоядорлар билан ҳамкорликни яхшилаб, бу жиҳатдан республика вилоятлари ўртасида пешқадамроқ марраларга чиқиб олмоқ учун Сурхондарёда бир қатор тадбирларни рўёбга чиқаришга киришилган.

ПАХТА

«Сурхонпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси пахтани тозалаш, тола ажратиб олишда қисқа технологияни жорий қилиб, 100 миллион сўмлаб маблағларни тежаб қолмоқда.

Етиштирилган толанинг икки фоизга яқини вилоятнинг ўзида ишланади. Истеъмолбоп маҳсулот ишлаб чиқарилади. Жарқўрғондаги «Сурхонтекстил» ҳиссадорлик жамияти корхонани янги технология билан жиҳозлаб, ўзи ишлаб чиқараётган молини жаҳон бозорига киритишга муваффақ бўлди. 1997 йили хорижга 331,8 минг Америка доллари қийматидаги мато сотди.

Шеробод ҳолвалари

Яқинда «Кунгабоқар-ҳолва» деб аталувчи замонавий ҳолвадан харид қиларканман, ёшлик чоғимда ҳузур билан тамадди қилганим Шеробод ҳолвалари эсимга тушди. Тут ҳолва, майиз ҳолва, кунжут ҳолва, ёнғоқ ҳолва каби «қўлинг ўргилсин» ҳолвалар нон билан карсиллатиб ейилганда ҳузури жон бўларди. У пайтларда ҳозирги «Кунгабоқар-ҳолва»дан дарак ҳам йўқ эди. Жуда кўп ва арзон тут ҳолва ҳамда ғоят лаззатли писта ҳолвалар кўп бўларди.

«Башоратчи эмасман, аммо...»

Ўзбекистон XXI асрда жаҳон ҳамжамиятида қандай нуфузга эга бўлади деб ўйлайсиз?

Мансур ОЛТИНОВ — Термиз Давлат университети профессори:

— XXI асрда Ўзбекистон зиёлилари, ишчи ва деҳқонлари юксак ва муштарак маънавиятли ижтимоий кучга айланади. Шунинг ўзи республикамизнинг буюк истиқболини белгилайди.

Тошпўлат МАМАТҲАКИМОВ — Шеробод туман прокурори, адлия маслаҳатчиси:

— Илгариги мустабид тузум даврида ҳуқуқ-тартибот органлари жазо муассасалари бўлиб туюлган бўлса, ҳозир фуқаролар ҳуқуқ-тартибот органлари ўзларининг ҳақиқий маънодаги ҳимоячилари эканликларини тушуниб бормоқдалар. Бу келажакка катта ишонч уйғотади. Келажакда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг демократик давлатлардан бири, фуқароларимиз эса ҳуқуқий саводхон, қонуний қадриятлари баланд халқ бўлади.

Муҳаммад АЗИМОВ — «Сурхон тонги» вилоят рўзномаси муҳаррири ўринбосари:

— Мен XXI аср Ўзбекистонини бой, ҳар жиҳатдан ривожланган, жаҳон ҳамжамиятининг фаол аъзоларидан бири сифатида тасаввур қилаяпман. Мамлакатимизда халқаро банклар ва компанияларнинг тобора тармоқ отиб бораётганлиги, иқтисодий мустақиллик шабадасидан баҳраманд бўлаётганлигимиз ана шундай пойдевор қурилганидан далолатдир.

Таллимарон қовунлари

Таллимарон — «Ўттиз икки ариқ», деб аталувчи қуйи қишлоқлардан бири. 30-йилларда машҳур бўлган «кўкча», «оқноввот», «олача», «кўккалапуш» (ё «қоракалапуш») каби асалдан ҳам ширин қовунларнинг энг аълолари худди шу қишлоқда етилади, деб ҳисобланарди. Айтишларича, бу ерда бир пайтлар ҳатто Бухоро амирларига қарашли қовун пайкаллари — полизлар ҳам бўлган экан. У вақтларда биз «кимё»дан бутунлай бехабар эдик. Вазни 5-6 қадоқ (2-3 кг)дан ошмайдиган ўша беғубор қовунлар ҳозирги навларига ўхшаб ҳам бўйига, ҳам энига қараб бесўнақай «ғовлаб» кетмасди.

Отамнинг таллимаронлик, такиялик, истаралик, гиламмоплик деҳқон ошнолари кўп эди. Шу боис биз пишиқчиликда бозордан қовун ташимасдик: ташқари ҳовлимизда ҳамиша қовун уюмлари «савлат тўкиб» турарди. Падари бузрукворимизнинг миришкор ошнолари отда, эшакда қовун олиб келишарди. «Бовамиз борми?», деб сўрашарди ва хуржун, қопларини бўшатишиб кетишаверарди.

Қизиқ, биз уларнинг кимлигини, қаерданлигини сўрашни хаёлимизга ҳам келтирмасдик, ўзлари ҳам айтишмасди. Шунақа соддадил одамлар эканмизда, у вақтларда.

Малоҳат МИНГБОЕВА

Ислоҳот одимлари

☑ **Мустақиллик йилларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларга оид асосий рақамлар:**

☑ **Вилоятда жами 2216 та корхона ва ташкилотлар, уларнинг таркибига кирувчи 6052 та объектлар давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Жумладан, 471 таси ҳиссадорлик жамиятлари (ҳиссадорлик жамятларининг бирлашиши, мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтиши ва тугатилиши ҳисобига ҳозирги кунда вилоятда 345 та ҳиссадорлик жамияти фаолият кўрсатмоқда), 223 таси жамоа корхоналари, 1493 таси хусусий ва 19 таси мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтди.**

☑ **Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг барча манбаларидан жами 577,3 миллион сўм маблағ жалб қилинди.**

☑ **Аҳолининг шахсий маблағлари ҳисобига 7298 та кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, жумладан, 2736 та хусусий ва 1859 та кичик корхоналар ҳамда 2703 та деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилди.**

☑ **Ҳиссадорлик жамиятлари, жамоа ва ижара корхоналари таркибидан ажралиб чиқиш ҳисобига 1973 та кичик ва хусусий корхоналар ташкил этилди.**

☑ **«Бизнес фонд» томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят тадбиркорларига 182 та лойиҳа асосида 204842,2 минг сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.**

Беш полвоннинг отаси

Абдужаббор Ҳасанов Бойсуннинг тоғли Сайроб қишлоғидан. Полвонлик Ҳасановларнинг қонида бор. Амакилари Соқи ва Ҳусайн полвонларнинг елкаси ер искамаган. Отаси Ҳасан ака ҳам қисқа муддат бўлса-да, яхши олишди. Кўплаб мана-ман деган полвонларни «юлдуз санатди». Қад-қомати баланд, паҳлавон келбатли Абдужаббор аканинг ҳам, бу жиҳатдан тили қисиқ жойи йўқ. У отаси каби оз олишди, лекин соз олишди.

Абдужаббор ака ва оиласи довруғи полвонлик туфайли мамлакатимиздагина эмас, чет элларга ҳам таралган. Оиланинг 5 ўғил, 2 қизи бор. Ўғилларнинг бешови ҳам — Баҳодир, Ботир, Бобур, Ҳусан ҳам кураш тушишади. Уларнинг асосий мураббийси — оталари Абдужаббор Ҳасановнинг ўзи.

— Полвон камолга етишининг бир неча шартлари бор, — дейди Абдужаббор Ҳасанов, — аввало полвонлик одамнинг қонида бўлиши керак. Иккинчидан, чинакам курашчи бўлиб етишиш учун полвонга шарт-шароитлар, тарбия лозим. Учинчидан эса полвонни қўллаб-қувватлаш, руҳини кўтариш керак. Биз фарзандларимиз учун уйда барча шарт-шароитни яратганмиз. Уларнинг машқ қилишлари учун имконият етарли: кураш гилами, арқонлар, тош-штангалар бор. Ўғилларимнинг машқ қилишлари, чиниқишлари устидан ўзим назорат қилиб бораман. Қаерда йирик мусобақа бўлса бирга боришга ҳаракат қиламан.

Оиланинг тўнғич фарзанди Баҳодир ўн етти ёшида спорт устаси, бир йилдан сўнг чемпион бўлганди. У 1990 йилда Франция чемпионлигини ҳам қўлга киритди. Ўша йили жаҳон чемпионатига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Бироқ, жароҳатланиб, бора олмай қолди. Кумуш медаль соҳиби унинг ўрнида қатнашиб, жаҳон чемпиони бўлганди. Бармоқлари синганига қарамай, Баҳодир қайта оёққа турди. Ҳозир турли мусобақаларда фаол иштирок этмоқда. Отаси билан бирга укаларига мураббийлик қиляпти. 1993 йили Омск шаҳрида бўлиб ўтган самбо кураши бўйича жаҳон биринчилигида укалари билан қатнашди. Ўшанда Ботир кумуш, Баҳодир ва Баҳром бронза медаллари билан тақдирланишди. Уч ака-укага совринлар топширилган, Ўзбекистон байроғи юксак кўтарилган пайтда шу ерда турган Абдужаббор аканинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Кураш охирида Жаҳон самбо федерацияси раиси А. Ҳасановни даврага таклиф қилиб: «Сиз бахтли отасиз. Ҳали дунё самбо спорти тарихида бир оиладан уч ака-ука совриндор бўлмаганди. Ўзбекистонда шундай оталар ва болалар борлиги бизни шод этади», — деб унга ҳам махсус соврин топширган.

Баҳром ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги мусобақа ғолиби, жаҳон чемпионати бронза совриндори бўлган бўлса, Ботир самбо кураши бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони бўлди. У куни кечагина Тошкент шаҳрида бўлган, Осиёнинг 8 давлати: Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон, Хитой, Тожикистон, Мўғулистон ва Россия полвонлари иштирокидаги Осиё чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди. Бу баҳсларда ҳам унинг мураббийи ва отаси Абдужаббор ака қатнашди, ўғлини руҳлантириб турди.

Ботир ҳозир Мустақиллик байрами муносабати билан самбо кураши бўйича Тошкентда ўтказиладиган Президент соврини учун мусобақаларга ҳамда Калининград шаҳрида бўладиган жаҳон биринчилиги мусобақаларига пухта ҳозирлик кўрмоқда.

ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК

Элимизнинг ризқи бутун

Жорий йилда вилоятимиз деҳқонлари 96 минг гектар суғориладиган майдонларда деҳқончилик қилишди. Мавжуд барча майдондаги ғалла сифатли ўриб-янчиб олинди. Ўртача ҳосилдорлик қарийб 28 центнерни ташкил этди. Энг юқори ҳосил олган туман деб Сариосиё ғаллакорлари тан олинди, ўртача ҳосилдорлик 35 центнерни ташкил қилди. Шунингдек, Музработ, Термиз, Денов, Ангор туманларида бу кўрсаткич 30 центнерни ташкил этди. Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Жарқўрғон тумани деҳқонлари республикамизда биринчи бўлиб давлат буюртма режасини бажарганликлари қувончли ҳолдир. Жарқўрғон, Ангор, Музработ, Қизириқ, Сариосиё, Қумқўрғон, Бандихон туманлари донни етиштиришда ҳамда уни йиғиб-териб олишда муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Барча туман марказларида дон қабул қилиш учун махсус пункт омборлари ташкил қилинди. Ҳатто Узун ва Шеробод туманларида икки-учтадан ҳосилни қабул қиладиган омбор ва майдончалар қурилди. Деҳқонлар етиштирган ҳосилни нест-нобуд қилмаслик, ўз вақтида топшириш учун зарур техника воситалари билан таъминланди, етарли шарт-шароит яратилди. Музработ туманидаги «Меҳнат-роҳат» дон қабул қилиш корхонаси жамоаси ўз кучи билан барча ғаллани ташиб олишга эришди. Шу ўринда етиштирилган ҳосилни манзилларга етказишда «Сурхондарётранс» бирлашмаси (раҳбари Ҳ. Алламуродов) ҳайдовчи-техник ходимларининг ёрдами катта бўлди.

Аввало, ҳар йилгидек бу йил ҳам дон қабул қилиш корхоналарида анча олдин дам олиш хоналари қайта жиҳозланди, ювиниш хоналари ишлаб турди, ошхона ва чойхоналар ташкил қилиниб, доимий иссиқ овқат пиширилди. Тош-тарози, лабораториялар барча талабларга жавоб берадиган даражада йўлга қўйилди.

Асосий ҳосилни «Кейс» агрегати билан ўришга эътибор берилди, исроф-гарчиликка йўл қўйилмади. Дон сифати тубдан яхшиланди, ёнғин хавфсизлигига қатъий риоя қилиниши оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмади. Ўғирлик, ташмачилик каби салбий иллатларга йўл қўйилмади. Асосий ҳосил 3-классга қабул қилинди. Хўжаликларга аванс тариқасида 65-70 фоиз пуллари берилди.

Шўрчи дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятида (раҳбари Омон Бекназаров) улкан ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Бир неча ўн миллион сўмлик қурилиш ва монтаж ишлари олиб борилди. Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси лицензияси асосида Россияда ишлаб чиқарилган янги ускуналар, асбоб-анжомлар келтириб, заводнинг олти қаватида жойлашган тегирмон республикамизда биринчи бор тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Бир кеча-кундузда 500 тонна донни қайта ишлаётган тегирмонлар бугунги кунда автоматик тарзда бошқарилмоқда. Ўтган йили уюшмага қарашли корхоналарда режага киритилган объектлар бўйича салкам 191 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Термиз шаҳри ва Қумқўрғон туманида иссиқ нон дўконлари, Ангор ва Қумқўрғонда дон сақлаш омборлари, Қизириқ туманида эса идора биноси ва лаборатория қурилиши ниҳоясига етказилди. Қизириқ ва Шерободда йирик ҳажмдаги асфальт ётқизиш ишлари бажарилди.

Илғор корхоналардан бўлган Ангор дон қабул қилиш пункти 1994 йилда очилди. Унга тажрибали ташкилотчи Абдурашид Туробов раҳбар қилиб сайланди. У етти гектарлик майдонда янги замонавий

корхона бунёд этди. Дастлабки йилда 7 минг тоннага яқин, жорий йилда эса қарийб 15 минг тонна буғдой қабул қилинди. Бу йил доннинг асосий қисми учинчи классга топширилди. Бу эса доннинг сифат кўрсаткичи бўлиб, даромад кўп бўлишини белгилайди. Корхонада ишчиларга вақтида 40 фоиз аванс ва бошқа маҳсулотлар берилди.

Ангордаги корхона донни қабул қилиш, сақлашдан ташқари ўт-ўландан ун ҳам чиқаради. Вилоятимиз бу йил чорва моллари учун мўлжалланган бундай ўтдан 5 минг тонна тайёрлаш режасини олган. Шундай агрегат корхонада иш бошлаш арафасида. Агрегат ҳар хил ёввойи ўтлардан ун тайёрлайди. Бу ун чорва моллорининг озуқа рационига киритилган. Янги технологияни ишга туширишда корхона раҳбари Абдурашид Туробовнинг хизмати беқиёсдир.

Шеробод ва Қизириқ туманларида дон сақлаш учун янги бинолар қураяпмиз. Термиз, Денов, Музрабод туманларида янги тегирмонлар ишга тушмоқда.

«Сурхондарёдонмаҳсулотлари» акциялари сотувга қўйилгач, жуда тез сотилди. Бизда бешта акционерлик жамиятлари бор. Уларнинг 205 сўмлик акцияларига 501 сўмдан дивидент тўғри келди.

Биз барча меҳнат ғалабаларимизни мустақиллигимизнинг 7 йиллик тўйига бағишлаймиз.

Йўлдош ЧОРИЕВ,
«Сурхондарёдонмаҳсулотлари» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик уюшмаси бошқаруви раиси

Сурхондарё воҳасидан ўтган дарёлар

1. **Амударё** — узунлиги 2540 км.
2. **Сурхондарё** — узунлиги 196 км.
3. **Тўполондарё** — узунлиги 124 км.
4. **Сангардак дарёси** — узунлиги 114 км.
5. **Хўжаипок дарёси** — узунлиги 97 км.
6. **Шеробод дарёси** — узунлиги 186 км.

Бундан ташқари воҳада Қорасув, Хўжаялпоқ, Иргайли, Қизилсув, Мачайдарё каби ўнлаб кичик ирмоқ-дарёлар мавжуд.

Сурхон қизлари



Ҳилол қуш

Жанубий вилоятда бошқа ҳеч ерда учрамайдиган Ҳилол номли қуш бор. У мағрур қуш бўлиб, денгиз сатҳидан 3800-3400 баландликларда яшайди, ундан пастга тушмайди. Ҳилол гўшт ва ёнғоқ ейди.

Олабуқа балиғи

Фақат жануб вилоятида учрайдиган жониворлардан бири Олабуқа балиғи бўлиб, уни Гулимоҳи ҳам дейишади. У денгиз сатҳидан 4 минг метр баландликдаги Ойдинкўлда учрайди, пастга тушмайди, шаршараларда яшайди. (Газетамизнинг кейинги сонларида Ҳилол қуши ва Олабуқа балиғи ҳақида батафсил маълумот ва уларнинг фотосуратларини берамиз).

Ҳурриятнинг тотли меваси

«Кўзгу»

Мустақилликдан олдин мустақил телевидение, мустақил газета-журналлар ҳақида фақатгина орзу қилиш мумкин эди. Ахир, ҳамма нарса «давлатники» бўлган жамиятда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди-да.

Бугунги кунда истиқлол шарофати ила матбуотимиз ҳам «тўртинчи ҳокимият» деган юксак ўринга кўтариляпти. Бунинг биринчи исботи Сурхондарёда ҳам мустақил, яъни нодавлат газеталар, телевидениеларнинг фаолият кўрсатаётганлигидир.

Ана шулардан бири — ҳозирда бутун Сурхон воҳасининг обрўли, ишончли телевидениеларидан бирига айланган «Кўзгу» жамоатчилик телевидениесидир. «Кўзгу» 1995 йилдан фаолият бошлади. Унинг ташкил бўлиши ҳам «кутилмаганда» бўлди. Ўша пайтлардаги айрим амалдорлар ҳатто: «Бизга



жамоатчилик телевидениеси нимага керак?» — дейишарди. Аммо истиқлол яратиб берган катта имконият Сурхондарёда нафақат «Кўзгу», балки бир нечта мустақил газета ва телевидениеларнинг пайдо бўлишига имкон яратди.

«Кўзгу» жамоатчилик телевидениеси раҳбари, иқтидорли журналист Рамазон Ашуров изланиш ва тинимсиз меҳнатдан чарчамайди. Шу боис ҳозирги пайтда бор-йўғи 10 нафар киши ишлайдиган жамоада ҳафтасига 30 соатдан ортиқ телекўрсатувлар эфирга узатиляпти. Ташкил топганига эндигина 3 йил бўлаётган телевидениеда намойиш этиладиган, тезкор эфирга узатилиши билан вилоятдаги бошқа телевидениелар, хусусан вилоят телевидениеси билан ижодий рақобатда ўз мавқеи ва обрўсига, ўрнига эга бўлди. Айниқса, биргина ахборот дастурининг ўзи ўзбек, инглиз, немис тилларида намойиш этилиши, янги-янги мавзулар, долзарб муаммолар, жасоратли кўрсатувларнинг «Кўзгу» орқали берилиши бу жамоанинг мухлислари кунора ошишига олиб келяпти. Шу боис «Кўзгу»-ни вилоят аҳли севиб томоша қилишади.

Ҳа, ҳеч иккиланмай айтиш мумкин: «Кўзгу» жамоатчилик телевидениеси истиқлол меваси. Истиқлол меваси эса жуда-жуда тотлидир.

Менинг достон юртим, бахши элим...

Мен сени достон юртим дедим. Чунки ҳамма эшитган достонларимда сенинг жамолингни кўрдим. Ахир, бошингда Боботоғ турган бўлса, пойингда Товканинг қўрғони ўтган бўлса, Бағрингда Бойсунқўғирот элинг яшаётган бўлса, бир ёнингда Амударё айқириб ётса, мен сени достонлар юрти демасдан, нима дейман.

Сенинг чилбир чўлларингда, Ойнакўлларинг ёқасида қултойбоболарим билан улоқ-кўзи боқдим. Боботоғингдан тенгқурларим билан пойга қўйиб тушганимда «қур-ей, ҳайт» деган ойбарчинларнинг овозини эшитдим.

Мен сени бахши элим дедим. Чунки сенинг бахшинг ҳам бахши, бахши эмасинг ҳам бахши. Бўлмаса менинг бахши эмас акам урушдан қайтиб келгандан сўнг бир сухбатда «поездда ўтаётиб Туркманистон чўлларининг бир тарафида ярқираб турган Чамбил кўнгараларини кўрдим» дермиди. Унинг айтган ғаплари Шеробод бахшилари мактаби муаллимлари Бобо шоир, Бекназар бахши, Мардонақул бахши, Умар бахши, Нормурод бахши, Маматрайим бахши, Бўрибой бахши, Юсуф бахши, Шодмон бахши, Чоршанби бахши, Хўшбоқ бахши ва бошқа бахшиларинг алифбосининг сўзлари эмасмиди?

Менинг достон юртим, бахши элим, сенинг муқаддас ва афсона алифбенгга таъзим! Менинг ва бизларнинг болалигимиз шу алифбе таъсирида камол топди. Мен ва бизлар бу ўтовда дўмбирани соз қилсак, у ва улар ўтовда чанқовузда ноз қилди. Шундай қилиб ҳаёт оқимига қўшилиб кетдик.

Менинг достон юртим, бахши элим, менда қачон сенинг жамолингга мардлик ва меҳринг баркамоллигига бир соғинч пайдо бўлса, болаларим билан «бир ўзи бир театр, бир кино» бўлган бобоси — Чоршами бахшинг ҳузурига бораман. У ўзининг илоҳий, «ички товуш» ва гумбирлаган дўмбираси дараларидан ғиротга миндириб бизларни Боботоғларинг чўққисига олиб чиқади. Биз яна сенинг Алпомишларинг, Гўрўғлиларинг, Авазларинг билан афсоналаринг қучоғига тушиб қоламиз. Чоршами бахшинг мамлакати одамлари тақдири билан боғланиб қоламизда, улардан ажралгимиз келмайди.

Чоршами бахшинг эса ярим кечада Авазни Кўккўзвой пари тилсим билан ғорга қамаб ташлаган жойда достонини тўхтатади. Шунда саксон беш ёшли энам — Ойимхол кампир «етказиб ташла, болам», — деб ёлворади, болаларимиздан бирови йиғлаб юборади.

Чоршами бахшинг яна меҳри ийиб, йиғлаётган боланинг меҳрини суйиб, ҳам Авазнинг, ҳам шу гўдакнинг ғамидан куйиб, тонг оқараётган кезда достонини поёнига етказади. Ҳамма тугал бир фароғат билан ёстиққа бош қўяди...

Менинг достон юртим, бахши элим, мен эса шунда, ҳамма достонлар-ку тугал ёзма-ёдгорлик бўлиб қолаяпти, аммо унинг ижроси келажаги ишончли тилларда ва қўллардами, илоҳий ижро меросини асраб қоладиган авлод етишиб келяптими? — деб ўйлаб қоламан ва «келади» деб ўзимни юпатаман.

Чунки сен менинг достон юртим, бахши элимсан.

Шафоат РАҲМАТУЛЛАЕВ

Ислоҳот одимлари

☑ **Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлаш учун 122,5 миллион сўм жалб қилинди.**

☑ **Жамғарма бозорларида вилоятдаги ҳиссадорлик жамиятларининг 403,0 миллион сўмлик акциялари сотилди.**

☑ **Вилоят Кўчмас мулк биржаси орқали умумий сотилиш баҳоси 267810,0 минг сўм бўлган 3757 та объектлар, жумладан, 90 та қурилиши тугалланмаган иншоотлар, 1907 та уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш учун ер майдонлари (0,04-0,06 га) сотилди.**

☑ **Вилоят товар хомашё биржасида ўтказилган ярмарка ва биржа савдоларида 727,8 миллион сўмлик маҳсулотлар сотилди.**

☑ **Шунингдек, ҳозирги кунда вилоятда 234 та кичик улгуржи тузилмалари, 1 та Бизнес-инкубатор, 41 та чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналар, 4 та ХИФ, кўчмас мулк сотиш бўйича 13 та, товар хомашё сотиш бўйича 26 та, қимматли қоғозлар сотиш бўйича 6 та брокерлик идоралари ва бошқа бозор инфратузилмалари фаолият кўрсатмоқда.**

Энг, энг, энг

Мамлакатимизда энг узун кун (14 соат 18 минут) Термиз шаҳрида кечади.

Мамлакатимизнинг энг кўп қуёшли куни ҳам (бир йилда 300-320 кун) Термиз шаҳрида кузатилади.

Шероботдаги Хўжаикон туз кони заҳираси жиҳатидан ҳамдўстлик мамлакатларидаги конлар ичида энг каттасидир.

Термиз боғлари

Сурхон воҳасининг маркази ҳисобланмиш Термиз шаҳри сўнгги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Ким нима деса десин-у, бироқ собиқ иттифоқ даврида Термизга келган кишининг дурустроқ чойхона, спорт иншооти ёки кўкка бўй чўзиб турган замонавий бинога кўзи тушмасди. Ҳозир-чи?

Бу кичик мақоламизда она-Ўзбекистонимизнинг жанубий дарвозаси ҳисобланмиш Термиз шаҳри боғлари ҳақида сўз юритмоқчимиз. Шаҳар аҳолиси ва бу ерга ташриф буюрувчи меҳмонлар учун бир неча истироҳат боғлари, дам олиш масканлари мунтазир. Булар орасида энг гавжуми яқиндагина ишга тушган «Оймома» истироҳат боғи бўлса керак. Бу боғ шаҳримиз болаларига чинакам совға бўлди. Улар мириқиб ҳордиқ чиқариб, қувнаб-яйраб кетадиган ҳақиқий масканга айланди. Болажонларимиз учун боғда ҳамма шароит мавжуд. Чўмилиш ҳавзалари, сирпанчиқлар, каруселлар, ҳалинчаклар, тир, ошхона ва буфет, турли саноат моллари, болалар учун зарур эҳтиёж буюмлари, маиший хизмат нуқталари улар хизматида. Бундан ташқари музқаймоқ дўконлари, спорт ўйингоҳи, қаҳвахона, велофойтун, аттракцион, шахмат-шашка, лото ўйинлари, суратхоналар кеча-кундуз хизматда. Автодром, биллиардхона қурилди, фойтун ўрнатилди. Ота-оналар фарзандларини машиналарга миндириб, мотопойгада иштирок этишади. Фойтунда бутун боғни сайр қилишади. Бу ердаги «Мовий гумбаз остидаги қушлар боғи» болажонларимизга барча нарсалардан ҳам кўп завқ-шавқ бағишлаши тайин. Турли хил бир-биридан гўзал қушлар, паррандаю даррандалар билан тўла бу «жонли бурчак» ғоятда қизиқарлидир. Бундан ташқари «Хўжа Насриддин — Термизда» ҳайкали ва унинг эшаги кичкинтойларни эртаклар оламига етаклайди.

Термиз боғларидан бири «Дўстлик» истироҳат боғидир. Бу боғ шаҳарнинг энг катта боғи. Ичига кирсангиз, чиққингиз келмайди. Соясалқин, тоза-озода, болажонларнинг қувноқ қийқириқларидан бўлак овозни эшитмайсиз. Улар учун «Дўстлик»да ҳам барча шарт-шароит яратилган. Бу ерларда ҳар куни байрам, ҳар дақиқа шодлик...

Термизда яна янги «Алпомиш» боғи бунёд этилаётир. Бу боғ аввалгиларига қараганда жуда гўзал, салобатли, миллий қадриятлар билан уйғунлашган, мардлик, жасурлик рамзи сингдирилган ажойиб масканга айланажак.

Тандирчи

Узун туманининг Маданий турмуш қишлоғида яшовчи Маҳмудхон Тошхонов тандирчилик билан узоқ вақтдан буён шуғулланади. Очиғи, тандирчилик Маҳмудхонга ота касб эмас. У ёшлигида ўшлик Йўлдош деган устага шогирд тушди. Ўшлик тандирчи уста қолипсиз тандир қилса-да, тандирлари анча пишиқ ва сифатли, нархи ҳам анча арзон эди. Ёш Маҳмуд бу тандирчининг қизил тупроқни сувга қориб, эчки қили, шоли сомон похоли аралаштириб лойни пишитишларини обдон кузатарди. Шунда уста Йўлдош боланинг қобилияти, эпчиллиги ва меҳнаткашлигини кўриб, унга тандир ясаш сирларини, лой билан «муомала»ни ўргатди. Мана, қарийб 20 йилдирки, тандирчилик касбини улуғлаб келади.

— Тандир учун мос қизил тупроқнинг ҳар тележкасини Хайроботдан икки минг сўмга олиб келаман. Бир арава тупроқдан 30 та тандир ясайман, — дейди у.

Уста ясаган тандирлар жуда чиройли, бежирим. Нон ёпганда кесак турмайди, ёрилмайди, худди қолипда қуйилгандай. Нархи ҳам арзон, бир кило қўй гўштининг баҳосида сотиб олишади.

Маҳмудхон шогирдлари ёрдамида шу мавсумда 250 дона тандир ясаб, ўнлаб оилаларнинг ҳожатини чиқарди. Уста бир йилда, яъни май ойидан октябргача тандир ясаш билан машғул бўлади. Ҳозирги вақтда кунига 5-6 та, ойига эса 100-120 та тандир қилишяпти.

ИСТИҚЛОЛ Иқтидорлари

Ака-ука бир синфда

Асқар Қоракулов эндигина 8 ёшда. Жарқўрғон туманидаги 45-таянч мактаби ўқувчиси. Унинг тенгдошлари 2-синфга кўчган пайтда Асқар 4-синф ўқувчиси бўлди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки Асқар беш ярим ёшидаёқ 2-синфга қабул қилинганди.

У айни пайтда синфбоши ҳам. Аъло ўқиши, намунали хулқи учун унга бу ишни ўқитувчиларию синфдошлари ишониб топширишган. Синфдош ўртоқларидан икки ярим ёш кичик бўлишига қарамай, бу ишни яхшигина эплаяпти.

Асқар айниқса, математик мисолларни фикр тезлигида ечиб ташлайди. Ўқитувчилари ҳам унинг тез илғаб олиш ва ёдда сақлаб қолиш қобилиятига тан беришган.

Мактаб директори Алишер Эргашев шундай ҳикоя қилади.

— Мактабимиз атрофида бир бола тез-тез айланадиган бўлиб қолди. Бир куни уни тўхтатиб, нега мактабга келганлиги сабабини суриштирдим. «Акам шу мактабда ўқийди, ўқиш учун кутубхонадан китоб олмоқчи эдик», деди у. Қўлига китоб тутқазсам, шариллатиб ўқиб ташлади, ёзувлари бехато. Рости, қувониб кетдим. Ахир, бундай болаларни ҳар кун, ҳар қадамда учратавермайсан, киши. Ўқитувчилар билан маслаҳатлашиб, Асқаржонни бирданига 2-синфга ўтқазишга қарор қилдик. Бу боладан кўп нарса кутса бўлади.

Асқар акаси Баҳром билан бир синфда ўқийди. Ёши катта бўлишига қарамай, акаси ҳам ундан билмаган кўп нарсаларни сўраб олади.

Жарқўрғон тумани халқ таълими бўлими томонидан Асқарга ҳар ойда 150 сўм стипендия тайинланган.

Қўш саҳифа материалларини Салим АШУРОВ ва Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ тайёрлашди.

Шавкат АКРАМОВ, Турғунбек МАҲКАМОВ, Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) ва Холмамат МАМАТҚУЛОВ суратларидан фойдаланилди.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 20 avgust, payshanba № 98 (22.335).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

«Мустақил Ўзбекистоним»

Халқ рассоми, академик Малик Набиев ижодхонасида «Мустақил Ўзбекистоним» манзара ранг тасвири юзага келди. Мусаввир ўз асарида мустақил Ўзбекистонни яшнаб турган дарахтга ўхшатади. «Кўпдан бери шу мавзуда асар яратишга ҳаракат қилардим, — дейди рассом. — Мақсадимга етгандайман. Ҳеч бир нарса соя солмайдиган, ҳамиша ҳурлик нафасидан баҳраманд юртим истиқболини яшнаб турган дарахтга ўхшатгим келди». Кекса мўйқалам устасининг бу асари ҳақиқатан ҳам мухлисларни ҳаётбахшликка чорламоқда.

Маҳмуд АҲМЕДОВ

«Ҳақ қалбимга ҳақиқатнинг нурин бер...»

Улуғ қорақалпоқ шоири Бердақ (Бердимурод) Қарғабой ўғли таваллудининг 170 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор чиқарилган эди. Ушбу муносабат билан қилинаётган ишлар хусусида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг доимий вакили Кенесбой Юсупбоевга мурожаат қилдик.

— Айни кунларда ўзбек ва қорақалпоқ халқи, ижод аҳли, қўйингки, барча меҳнаткашлар улуғ бобомизнинг таваллуд тўйларини кенг нишонлаш мақсадида ғайрат-шижоат билан ишга киришдилар. Мақсад — Бердақ бобомиз ижодиётини тарғиб қилиш орқали халқимизнинг маънавиятини, қадриятларини, меросини, санъатини бутун жаҳонга кўз-кўз қилишдир. Зеро, Бердақ шоир ижодиёти — мана шундай мақсад-ниятларга тўла жавоб бера оладиган ижод булоғи саналади.

Қорақалпоқ халқи узоқ ўтмишда ҳам, Бердақ яшаган замонда ҳам, ундан кейинги, шўролар даври йилларида ҳам оғир синовларни бошдан кечирди. Халқимиз кечирган машаққатли оғир ҳаёт, таҳликали йиллар баёни Бердақ ижодида ҳам бор. Гап шундаки, ота-боболаримиз озод, фаровон ҳаётни, эркин замонларни орзу қилиб яшади.

Дўстлик билан ҳар бир ишга тахт турсанг,
Жон аямай эл-юрт учун иш қилсанг,
Қайғуланмай улуғ ишга қўл урсанг,
Шунда менинг кўнглим ўсар халқ учун!

Унинг «Халқ учун», «Яхшироқ», «Қачон роҳатланадирсан», «Керак менга», «Умрим», «Келин», «Оқибат», «Болам» каби ўнлаб қўшиқлари ана шундай назм ва ҳикмат дурдоналаридир. Шоирнинг «Аҳмоқ подшо», «Шажара», «Хоразм», «Ойдўс бобо», «Эрназарбий» каби тарихий достонларининг ҳам халқимиз маънавиятида тутган ўрни, аҳамияти ниҳоятда улуғ.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ишлаб чиққан тадбирлар асосида Қорақалпоғистоннинг Бўзатов туманида Бердақ боғини яратиш ишлари қизғин бошлаб юборилди. Нукус шаҳрида Бердақ музейи қуриш режалаштирилмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан пойтахтнинг марказий кўчаларидан бирига Бердақ номини бериш, шоир номи билан аталадиган хиёбон ташкил қилиш, хиёбонга танлов асосида қабул қилинадиган шоирнинг бюстини ўрнатиш каби тадбирлар амалга оширилмоқда. Республика Давлат Матбуот қўмитаси, Почта ва телекоммуникациялар агентлиги юбилейга атаб Бердақ шеърларини, шоир ҳақидаги асарларни нашр этиш, сиймоси тасвирланган плакатлар, почта маркалари, открткалар, конвертлар, кўкрак нишонлари, анжуманга таллуқли таклифнома ва буклетлар тайёрламоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси мамлакатимиз вилоятларида илмий-амалий конференциялар, ноябрь ойида Тошкентда Бердақ ижодиёти ва Шарқ халқларининг адабий-маданий алоқалари, миллий уйғониш мавзуларига бағишлаб халқаро анжуман ўтказишни режалаштирган. Ўзбекистон Фанлар академияси ва Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда шоир юбилейига атаб бу йил ўзбек тилида Бердақнинг янги, аввалгиларига нисбатан тўлдирилган, илмий асосдаги шеърий тўплами замонавий матбаа ютуклари даражасида, кўп нусхада, чиройли жилдда нашр этилади.

Барчани яратган қодир худойим,
Берсанг, бул бандангга ҳақлик йўлин бер!
Эгри юрсам ортар менинг гуноҳим,
Ҳақ қалбимга ҳақиқатнинг нурин бер!

Ушбу сатрлар — Бердақ бобомизнинг ҳаммага ёд бўлиб кетган машҳур шеъридан олинган. Хўш, мана шундай орзу-умидлар, илтижолар қайси замонда ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин? Ҳеч замондаям йўқотмайди, тўғрими? Лекин бунинг чинакам қадр-қиммати, аҳамияти айни шу кунларда юксалгандан-юксалиб, Мустақиллик ғояларига ҳамоҳанг бўлиб кетганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Музаффар АҲМАД ёзиб олди

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Спорт

Яшил майдонларда



ОСИЁ КУБОГИ

«Пахтакор» футболчилари 4 сентябрь куни Осиё кубоги эгалари кубоги учун ўтказиладиган дастлабки учрашувда Тожикистоннинг «Хўжанд» жамоаси билан майдонга тушадиган бўлишди. Жамоалар ўртасидаги такрорий учрашув 18 сентябрга мўлжалланган. Осиё чемпионлари кубоги учун баҳсда иштирок этадиган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси эса худди шу кунлари Тожикистоннинг «Вахш» футболчилари билан куч синашади.

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ

Биллур соврин учун ярим финал учрашувлари 24 август куни бўлади. Шу куни «Навбаҳор» — «Пахтакор» ва «Нефтчи» — «Трактор» жамоалари ўзаро баҳслашадилар.

ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

Осиё ўйинларига ҳозирлик кўраётган мамлакатимиз терма жамоаси Таиланд сафаридан қайтди. Футболчиларимиз майдон эгаларига (1:4) имкониятни бой беришди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Асримизнинг якунловчи чемпионатининг сарҳисоби чуқур таҳлил қилина бошлаган бир пайтда янги аср — 2002 йилда ўтказиладиган чемпионат ташвишлари ҳақидаги гаплар ҳам қулоққа чалинмоқда. Маълумки, навбатдаги чемпионат ўйинлари Япония ва Кореяда ўтказилиши керак. Корея футбол ассоциацияси президенти Чун Мун Юн жаҳон футбол анжуманини ўтказиш анъанавий русум бўлган ёз ойларидан кечиб, кузда ташкил қилиш таклифини ўртага ташламоқда. Боиси июнь-июль ойларида ҳар иккала мамлакатда ёғингарчилик авжга чиққан палла бўлади. Шунингдек, Чун Мун Юн бир пайтлар Токио ва Сеулда ўтказилган олимпиада ўйинлари куз чоғи бўлишига қарамай муваффақиятли давом этганини таъкидламоқда. Бу масалага ФИФА қандай қарашини эса вақт кўрсатади.



Қарши шаҳрида Мустақиллик байрамига муносиб совға ҳозирланди. Теннис мухлисларига қувонч бағишланди. Бу ерда уч минг томошабинга мўлжалланган замонавий теннис ўйингоҳи фойдаланишга топширилди. Қурилиш ишларига «Шўртангаз» газ конлари бошқармаси ҳомийлик қилди. Бунёдкорлик ишларини 19-«деҳқонқурилиш» трести азаматлари амалга оширишди. Бу ерда теннис ўйнаш, дам олиш, бўш вақтни мароқли ва мазмунли ўтказиш учун шароитлар муҳайё.

Суратларда: теннис кортининг кўринишидан лавҳалар.
Суратқаш Эргаш ҚУЛМУРОДОВ

Хотиржамликка ўрин йўқ

— 1997 йилнинг 25 февралида Қоратау посёлкасида яшайдиган, 1980 йилда туғилган Баҳодир Жалолов Е. Т. исмли аёлга куч ишлатиб номусига теккан. Бунинг устига 200 сўм пулини ҳам тортиб олган. Нукус шаҳар суди уни 5 йилга озодликдан маҳрум қилди;

— Тахтакўпир тумани ҳокими ўринбосари Т. Оспановга номаълум бир шахс хат ёзиб, 28 февраль куни Музанқум кўприги тагига 200 минг сўм пул қўйишни талаб қилган. Акс ҳолда ҳаёти хавф остида қолишини билдириб қўрқитмоқчи бўлган. Оператив қидиришдан сўнг бу зўравон 1980 йили туғилган, бирон жойда ишламайдиган Кашмир Ўрозалиев эканлиги маълум бўлди.Тергов жараёнида эса уни 1973 йили туғилган акаси Омонбой Ўрозалиев бу йўлга жалб қилганлиги аниқланди. Туман суди жиноятчи укани 3 йилга, устоз жиноятчи акани эса 15 йилга озодликдан маҳрум қилди;

— Нукус қурилиш коллежининг 2-курс талабаси, 1980 йилда туғилган Жумамурат Абдимуратов 22-митти туман ҳудудида фуқаро Танирберган Жумашевнинг бошидаги андатра телпагини қутилмаганда босқинчилик билан олиб қочади. Бу ўспирин ўз қилмиши учун 1 йилга озодликдан маҳрум қилинди;

— Қонликўл тумани «Сариолтин» жамоа хўжалигида ишлайдиган, 1980 йилда туғилган Бахтибай Жуматаев ўтган йилнинг 30 декабрида Қ. Айимбетов номли мактабнинг 9-синф ўқувчиси А. Изимбетов билан жанжаллашиб қолиб, унга тан жароҳати етказади. Жабрланувчи шифохонага тушгач жиноят иши қўзғатилиб, оқибатда зўравон икки йиллик ахлоқ тузатиш ишлари жазосига лозим топилди. У энди иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ўтказиб туради.

— Амударё туманидаги 34-лицей ўқувчиси, 1981 йилда туғилган Музаффар Эшмуродов эса шу йилнинг 28 январида Қипчоқ-Жулабой йўлининг биринчи километрида ўзи бошқариб келаётган мотоцикли билан йўл ҳалокатига учраб, йўловчи Салия Тўракаеванинг оғир жароҳатланишига сабаб бўлади. 31 январь куни жабрланувчи вафот этди. Айни пайтда жиноий иш қўзғатилиб, тергов якуни судга ўтказилган.

Эътибор берган бўлсангиз,

Ҳуқуқий мулоҳаза

маълумотномадаги катта-кичик жиноят йўлига кирганларнинг ҳаммаси 80-йилдан кейин туғилган ўспиринлар. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси қўлидаги бу маълумотларни эътиборингизга ҳавола қилаётганимиздан мақсад эса орамизда шундай нохуш ҳоллар содир бўлаётганлигидан сизни ҳам огоҳлантириш, шунингдек, унинг мамлакатимиз бўйлаб авж олиб кетмаслиги йўлларини биргаликда излашга кенг жамоатчиликни жалб қилиш. Зеро, энг катта жиноятларнинг илдизи худди ана шу ердан — ёшлар жиноятчилигидан бошланади. Хўш, нима қилиш керак?

Назаримизда, бу муаммонинг ечими маҳаллалар, барча турдаги таълим масканлари, ёшлар билан ишлайдиган корхонаю ташкилотлар, отаоналар ҳамкорлигидаги тадбирлар билангина топилиши мумкин. Тўғри, бу борада Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг ўзига хос тажриба усули бор. Масалан, шу йилнинг биринчи чорагида 553 тартиббузар ўспирин ИИБ бўлимларига олиб келиниб, улардан 221 нафари назорат профилактикаси ҳисобига олинди. Болалари тарбиясига масъулиятсиз ёки ўзлари салбий таъсир кўрсатадиган 12 нафар ота-она ҳам шу рўйхатга киритилди.

Жойларда юқори малакали ҳуқуқшунослар, маҳалла фаоллари, «Нуроний», «Камолот» жамғармалари, овул фуқаролари йиғини раислари иштирокида 600 га яқин учрашувлар ўтказилди. Давлат уюшмалари ва жамоа ташкилотлари ҳамкорлигида безори ёшларни аниқлаш учун 100дан ортиқ рейдлар ўтказилиб, йиғилган материаллар маҳаллий ҳокимиятлар ҳузуридаги ёш ўсмирлар билан ишлаш комиссияларига юборилди. Натижада шу йилнинг дастлабки уч ойида улар ёрдамида 10та жиноятнинг очилишига эришилди.

Ушбу тажрибанинг натижаси ёмон эмас. Ҳар ҳолда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ёш ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг ўсишини тўхтатишга муваффақ бўлишди. Улар орасида ўғирлик жиноятлари 16,6 фоизга, бошқа турдаги жиноятлар эса 60 фоизга камайди.

Шунга қарамасдан бу ишларни ҳали тўла ютуқ деб бўлмайди. Юқорида кўриб ўтган фактларимизнинг ўзиёқ бунинг исботидир. Орамизда бир дона бўлса-да жиноятчилик содир бўлаяптими, хотиржам бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, кўпчилик фуқароларимиз бу курашни фақат ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси деб билади. Бу эса, ўз-ўзидан, энг катта хатодир. Ахир, ҳар битта жиноятчи кимнингдир фарзанди, укаси, қариндош-уруғи, маҳалладоши. Шундай экан, нега масъулиятни ўзимиздан қочиришимиз керак?.

Мақоламиз сўнггида ҳаммаҳаммани бу ҳақда ўйлаб кўришга чақирамиз. Фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, марҳамат. Зеро, порлоқ келажагимиз ҳам ёшларимизнинг тўғри тарбия топишига боғлиқ.

А. МАТМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг катта ёрдамчиси.
Р. ЕШИМБЕТОВ,
Н. ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси *Ходиров*
Исми *Мамат*
Отасининг исми
Қачон, қаерда туғилган *1898 йил Сурхондарё вил. Шўрчи тум. Миршоди қишлоғи*
Ҳозир қаерда яшайди *Сурхондарё вил. Олтинсой тум. Ҳурама қишлоғи*
Узоқ умр кўришнинг сири *Доимий ҳаракат, меҳнат* (қисқа баён этилади)
Юз ёшнинг хулосаси *Меҳнатдан завқланиш — олий қадрият* (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнггида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

Мактабда французча сўзлашиб...

Юртимизда дунёвий тараққиёт нафаси уфурмоқда. Зеро, қадриятлар эъзозланаётган, бой маънавий меросимиз билан фахрланилаётган келажаги порлоқ бу мамлакатда куч билим ва тафаккурда эканини фарзандларимиз қалбдан ҳис этмоқдалар. Пойтахтдаги Тўлқин Жалолов номли 245-мактабда «француз тили тажриба-синов дастури» тақдимномасига бағишланган маросимда сўзлаган Акмал Икромов туман ҳокимининг муовини Абдурахмон Ёқубов ана шулар ҳақида сўзлади. Туман халқ таълими бўлими мудири Шукрулло Икромов соғлом авлод камоли ҳақида мулоҳаза билдирган бўлса, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходими Микаэль Лебеф мактабларда амалга оширилаётган бундай савобли ишлар ўз самарасини бериши, жаҳон ҳамжамиятида нуфузи ортиб бораётган Ўзбекистон ёшларининг иқболи ҳақида гапирди. Шунингдек, «Оқтепа» маҳалласи оқсоқоли Хуснидинхожи Азимов хайрия йўли билан аълочи ўқувчиларга стипендия беришга қарор қилингани ҳақида маълумот берди. Шундан кейин алоҳида замонавий аппарат-ускуналар ўрнатилган хонанинг очилиши бўлди. Бу мактаб француз тили ўрганиш бўйича шаҳардаги 11-билим маскани саналади.

Шаҳноза ШУКУРОВА

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Сизларни, 1998 йил 29 август, 9, 22 сентябрь кунлари соат 11⁰⁰ да Республика Биржалар марказида бўлиб ўтадиган навбатдаги КИМОШДИ савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидаги мулклар қўйилади:

1. Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси 6-сонли зонада жойлашган Ўзбекистон металлургия комбинати балансидаги меҳмонхона.
Меҳмонхона майдони 1 105 кв.м.
Бошланғич баҳоси 16 миллион 983,5 минг сўм.
2. Самарқанд шаҳрида жойлашган «Ўзбектуризм» Миллий компаниясига қарашли «Автокемпинг» мажмуаси. Мазкур объект Самарқанд шаҳрига кираверишдаги йўллар кесишган жойда жойлашган. У янги қурилган бўлиб, 1998 йил апрель ойида фойдаланишга топширилган.
«Автокемпинг» мажмуаси:
— 40 ўринли меҳмонхона (ички пардоз ишларисиз);
— 40 ўринли кафе;
— 4 та автомобилларга ёнилғи қуйиш колонкаси (Югославиядан келтирилган, ишлаш тизими компьютерлаштирилган);
— 3 ўринли автомобилларни таъмирлаш жойи;
— 2 та автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар сотиш дўкони;
— енгил ва оғир юк ташийдиган транспорт воситалари сақланадиган жойларидан иборат.
Унинг умумий ер майдони 2,2 га.
Умумий бошланғич баҳоси — 180 миллион сўм.

Мазкур мулкларга қизиқиши бўлган ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.
Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 8 уй.
Телефонлар: 136-15-28, 136-15-29, 136-28-75
Факс: 136-26-26.

«Ўзэлектркабелсавдо» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси бош директор ўринбосари Алишер Абдуҳалилович Жўраевга падари бузруквори
Абдуҳалил ота ЖЎРАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Саида ЙЎЛДОШЕВА*, навбатчи *Нурбек ТОШНИЁЗОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи -дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 19.866 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0232

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА